

АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУД МУҲОКАМАСИДА ПРОКУРОРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14046804>

Маматкармов Сардорбек Дилшод ўғли

Жиззах Шахар прокурор ёрдамчиси

Аннотация

ушбу мақолада жиноят суд процессида прокурор иштирокининг хусусиятлари, жумладан апелляция инстанциясида прокурор иштирокининг процессуал асослари, функциялари ва ваколатларининг айрим жиҳатлари, шунингдек, суд процессида прокурорга юклатилган вазифалар ва уларнинг моҳияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар

прокурор, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси, жиноят суд ишини юритиш босқичлари, процессуал мақом, прокурорнинг ваколатлари.

Аннотация

в данной статье говорится о правовых основах и особенностях участия прокурора в уголовном судопроизводстве, в том числе о процессуальных основах участия прокурора в апелляционной инстанции, некоторых аспектах функций и полномочий, а также о задачах, возлагаемых на прокурора. в судебных разбирательствах и их характере.

Ключевые слова

прокурор, апелляционная инстанция, кассационная инстанция, стадии уголовного судопроизводства, процессуальный статус, полномочия прокурора.

Abstract

this article talks about the legal bases and features of the prosecutor's participation in the criminal court proceedings, including the procedural bases of the prosecutor's participation in the appellate instance, some aspects of functions and powers, as well as the tasks assigned to the prosecutor in the court proceedings.

Key words

prosecutor, appellate instance, cassation instance, stages of criminal court proceedings, procedural status, prosecutor's powers.

Жиноят ишлари бўйича судларга апелляция шикоятлари, протести келиб тушиши, унинг тарафларга эълон қилиниш тартиби, шикоятнинг апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилиниши ҳамда ушбу жиноят иши бўйича апелляция шикоятлари ва (ёки) протестини кўриб чиқиши, шунингдек унда прокурорнинг иштироки юзасидан кўплаб мақолалар, кўлланмалар, монографиялар ишлаб чиқилган ва нашр этилган. Хусусан, Саминсчи И.,¹ Иуга М.² Молдова Республикасидан, Волонсиу Н.,³ Турбул А. ва Тату А.,⁴ Павелеану В.,⁵ Неагу И.⁶ Румуниядан, Гуценко С.,⁷ Смирнов А.,⁸ Бозхиев В.,⁹ Радченко В.¹⁰ ва бошқалар Россия Федерациясидан ушбу мавзуда илмий изланишлар олиб боришган.

Ушбу муаллифлар томонидан берилган таърифларга кўра, апелляция шикоятлари биринчи инстанция судининг ҳукми устидан берилган мурожаат бўлиб, ушбу шикоят биринчи инстанция судининг ҳукми ёки ажримини қайта кўриб чиқиш ва янги қарор қабул қилиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларида ҳам апелляция шикоятлари кўйилган талаблар мавжуд. Шу билан бирга ҳеч қандай чекловларсиз даъво қилиш имкониятини бериш учун қонун апелляция шикоятининг мазмуни ва шаклига ўзининг минимал талабларини қўйган ва бу шикоят берувчи томонидан таъминланиши шарт.

Фуқаро томонидан апелляция шикоятлари берилган тақдирда шикоятчининг важдари далилсиз бўлиши мумкин эмас ва аниқ далилларни

¹ Caminschi I. Originea apelului ca cale ordinară de atac și unele aspect privind instituția lui în procesul penal. În: Analele științifice ale Academiei „Ștefan cel Mare” a Ministerului Afacerilor Interne al Republicii Moldova: Științe socio-umaniste, Ediția a VII-a. Topografia Academiei „Ștefan cel Mare” a MAI al RM. Chișinău, 2007, p. 65-68.

² Iuga M. Căile legale de atac în procesul penal. Chișinău, Asociația judecătorilor din Moldova: Centrul de drept, 2000, 210 p.

³ Volonciu N. Tratat de procedură penală. Partea specială. Vol.II. Editura „Paidea”, București, 1994, p. 229-276.

⁴ Tulbure A., Tatu A., Tratat de drept procesual penal. Editura „All Beck”. București, 2001, p. 393-422.

⁵ Păvăleanu V., Drept procesual penal. Partea specială. Editura „Lumina Lex”. București, 2002, p. 271-341.

⁶ 2 Neagu I., Drept procesual penal. Curs selectiv pentru licență. Editura „All Beck”. București, 2003, p. 140-157; Neagu I., Damaschin M. Tratat de procedură penală. Partea specială. În lumina noului Cod de procedură penală. Vol.2. București, Editura „Universul Juridic”, 2015, p. 277-324. 123 Pinteș A., Drept procesual penal. Partea generală și part

⁷ Гуценко К., Уголовный процесс. Учебник. Издание 5-е, переработанное и дополненное. Издательство „Зерцало-М”. Москва, 2004, p. 541-556.

⁸ Смирнов А., Калиновский К. Уголовный процесс. 2-е издание. Издательский дом „Питер”. Санкт Петербург, 2005, p. 594-601.

⁹ Божьев В., Демидов В. Уголовный процесс. Учебник. 4-е издание, переработанное и дополненное. Издательство „Спарк”. Москва, 2004, p. 483-488.

¹⁰ Радченко В. Уголовный процесс. Учебник для вузов. Издание 2, переработанное и дополненное. Юридический дом „Юстицинформ”. Москва, 2006, p. 553-564.

тақдим этиш талаб этилади. Шикоят берувчи шахс биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни аниқ баён қилиши талаб этилади. Агарда шикоятда даиллар асослангилмаган бўлса, апелляция инстанцияси шикоятни кўрмасдан қолдириш ҳуқуқига эга.

Комогортева Х., Неагу И. ва Дамасчин М. апелляция инстанциясига куйидагича таъриф беришган – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, тегишли процессуал ҳуқуқ институтини амалга ошириш орқали биринчи инстанция судининг якуний бўлмаган қарорларини текширишдан ҳамда қўшимча далилларни қонунийлик, пухталиқ ва адолатли ўрганишдан иборат бўлган процессуал жараёндир.¹¹ Шунингдек, ушбу олимлар томонидан апелляция тартибининг уч босқичи таъкидланади:

- Апелляция шикоятини ёки протестини эълон қилиш;
- Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришга таинлаш ва тайёрлаш;

•Апелляция шикояти ёки протестини кўриб чиқиш. Бу эса ўз навбатида тайёргарлик қисмини, суд терговини, далиллар тафтишини, музокара ва охирги сўзни, шунингдек, қарорни эълон қилишни ўз ичига олади.

Давлат органлари тизимида прокуратуранинг мақоми тўғрисида Сиобану С. шундай хулосага келган: “барча тамойиллар, масалан покурутурани ташкил этиш ва фаолияти, қонунийлик, прокуратура органларининг мустақиллиги, автономлиги, бирлиги, марказлашуви, иерархик назорат ва суд-ҳуқуқ тизими, мутаносиблик, ошқоралиқ ва бошқалар прокурор ўз вазифаларини адолатли амалга ошириши учун унинг фаолияти асосини ташкил этади, шунингдек, прокурор онгли ва тезкор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, адолатли суд жараёнини ва ақлия тизимини таъминлаш билан давлат бошқарувига ўз ҳиссасини қўшади”.

Ихтисослашган адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, Осоиану Т. ва Ориндас В. – “Уголовное процессуальное право Республика Молдовия” китобида жиноят процессининг функцияларини кўриб чиқишган ва бунда унинг вазифалари, тартиби ва субъектлари аниқланган. Бироқ функция атамаси қонунда тушунтирилмаган. шунингдек, жиноят иши бўйича апелляция суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор давлат айбловчиси мақомига эга эканлиги, лекин жиноят процессуал қонунчилигида давлат айбловчисига таъриф ёки тушунтириш топиб бўлмайд¹².

¹¹ Комогорцева К., op.cit., с.9-11; Neagu I., Damaschin M., op. cit., p. 278.

¹² Osoianu T., op. cit., p. 5; Osoianu T., Orîndaş V., op cit., p. 6-8.

Стаднитки Л. ўзининг “Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида прокурорнинг иштироки” номли докторлик диссертациясида “жиноят процессуал қонунчилигига кўра, судда жиноят ишлари кўришда иштирок этаётган прокурор давлат айбловчиси вазифасини бажаради, аммо жиноят процессуал қонунчилиги уларнинг функцияларини батафсил кўрсатмайди”¹³ ўз фикрини билдирган.

Шунингдек прокурор ҳар қандай инстанция судида иштирок этар экан куйидаги функцияларни бажаради:

- Айбловни қўллаб-қувватлаш;
- Шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ўрганиш;
- Жиноятчиликка қарши кураш;
- Ҳуқуқий таълим.

Охирги иккита функциялар амалий характерга эга эмас, чунки улар аниқ вазифаларга эришишга йўналтирилмаган. Ушбу иккита функцияни суд мажлисидаги прокурорнинг қўшимча функциялари десак ҳам адашмаган бўлаемиз.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида ҳам прокурор процесснинг бир томони сифатида намоён бўлади ҳамда ўзининг айбловни қўллаб-қувватлаш функциясини бажаришда давом этади ва бу албатта шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан параллел равишда олиб борилишини таъминлаши шарт.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда биринчи инстанция ҳамда апелляция инстанциясида прокурорнинг роли ҳам ҳар хилдир. Биринчи инстанция судида прокурор биринчи навбатда айбловни қўллаб қувватлайди. Апелляция инстанцияси судида прокурор давлат айбловчиси эмас ва у айбловни қўллаб-қувватламайди, бироқ апелляция протестини қўллаб-қувватлайди.

Шундай бўлсада, прокурор суд муҳокамасининг барча босқичларида давлат айблови функциясини бажаради. Бундан ташқари, прокуратурада назорат функциясининг ҳам айрим элементлари сақланиб қолган. Шунингдек, судларда прокурор фаолиятининг устувор йўналишларидан бири шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суд муҳокамасида прокурор давлат айбловини қўллаб-қувватлаш билан бирга шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, унинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда фаол иштирок этиши,

¹³ Stadnitki L., op. cit., p. 78-79.

ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ўрганиши, янги очилган далиллар ва ҳолатларни синчковлик билан ўрганиши ҳамда лозим бўлса, айбловдан қисман ёки бутунлай воз кечиш ваколатидан ҳам фойдаланиши зарур.

Апелляция инстанцияси судида ҳам прокурор тараф сифатида иштирок этади. Бунда прокурор ўз функциялари билан бир қаторда мажбуриятларини ҳам бажаради. Процесс иштирокчиси сифатида прокурор ҳимоячи билан бир хил ҳуқуқларга эга. Жиноят ишининг янгидан кўриб чиқилиш вақтида прокурор ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ва қонун томонидан берилган мумкин бўлган воситаларга таяниб давлат айбловини қўллаб-қувватлайди. Иш кўриб чиқилмаган апелляция инстанцияси судида эса прокурор айбловни қўллаб-қувватламайди. Апелляция инстанцияси судида прокурор нафақат давлат айбловчиси, балки кафолатчи сифатида ҳам намоён бўлади, яъни судланувчининг, шунингдек процесснинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳурмат қилиш ва таъминлаш орқали ҳам ҳуқуқларни ҳимоя қилиш функциясини амалга оширади.

Шунингдек, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹-моддасида апелляция тартибида шикоят бериладиган ва протест билдириладиган қарорлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра, “Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин” лиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек ЖПКнинг 497²-моддасида ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам кўрсатилган бўлиб:

- Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили;

- Прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга;

- Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга;

- Суд томонидан оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ҳамда асосларига доир қисми устидан шикоят беришга;

-Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан апелляция тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судида иштирок этаётган прокурор ҳам биринчи инстанцияда иштирок этган прокурорлар каби давлат айбловини қўллаб-қувватлашда давом этади. Давлат айбловини қўллаш апелляция инстанциясида иштирок этаётган прокурорнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, прокурорнинг ўзи иштирок этаётган ишдан шахсий манфаатлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунингдек, юқорида кўрганимиздек, кўплаб олимларнинг фикрига кўра, суд мажлисида иштирок этувчи прокурорларнинг функциялари ЖПК да ўз аксини топмаган ёки аниқ белгилаб қўйилмаган. Кўп ҳолларда уларнинг функциялари жинойт процессуал қонунчилигининг турли нормаларида акс эттирилган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жинойт процессуал қонунчилигида ҳам прокурорнинг функциялари турли нормаларда ўз аксини топган.

Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский ва яна бир гуруҳ олимлар, жумладан, Н.Н.Полянский, Р.Д.Рахуновларнинг прокурор судда қонунийликка риоя этилишини наорат қилиш ва давлат айбловини қувватлаш каби икки ил прцессуал функцияларни амалга оширади деган фикрларни илгари суриб, улар билан мунозарага киришган ҳолда прокурор суд процессида уч хил функцияни бажаради деб кўрсатадилар:

- ✓ Давлат айбловни қувватлаш;
- ✓ Қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ✓ Қонунийликни тиклаш¹⁴.

Сўнги кўрсатиб ўтилган функция эса бевосита мавзуйимизга алоқадор бўлиб, ушбу функция кўпроқ апелляция инстанциясида иштирок этаётган прокурорларга тааллуқи десак адашмаган бўлаемиз.

С.В.Новожиловнинг фикрларига назар соладиган бўлсак, суд жараёнида иштирок этаётган прокурорнинг асосий функцияларидан бири, қонунийликни таъминлаш бўлиб, Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат¹⁵.

Шунингдек, М.Раджапова Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинскийнинг санаб ўтган суд мажлисида иштирок этаётган прокурорнинг учта функцияси

¹⁴ <https://cyberleninka.ru> Б.А.Тугутов., Д.И. Прушинский Классификация полномочий прокурора в уголовном суде.

¹⁵ С.В.Новожилов., Проблемные вопросы участия прокурора в судебных стадиях уголовного процесса.

мунозара талаб қилишини таъкидлаб, давлат айбловини қувватлаш ва қонунийликни тиклаш тушанчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, прокурор томонидан қонунийлик принцигига риоя этилган ҳолда амалга оширилишини таъкидлаган¹⁶.

Ушбу фикрларни ўрганидан бўлсак, прокурор суд процессининг исталган босқичида давлат айбловини қувватлайди, бироқ қонунийликни тиклаш қачон амалга оширилади деган савол юзага келиши табиийдир. Қонунийликни тиклаш қачонки, қонунларга риоя қилиш бузилганида, моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя этилмаганидагина юзага келади ва бу бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун прокурор томонидан апелляция протести киритиш ҳамда апелляция инстанцияси судида иштирок этиш ваколоти бор. Апелляция инстанцияси суд мажлисида бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва давлат айбловини қувватлаш орқали прокурор қонунийликни тиклаш функциясини амалга оширади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Ўзбекистон республикаси ЖПКнинг 2-моддаси 2-қисмида “Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим”¹⁷ деб белигилаб қўйилган. Ушбу нормада ҳам кодекснинг асосий вазифа ва функцияларига қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш каби биз юқорида санаб ўтган муҳим элементлар киритилган. ЖПКнинг санаб ўтилган ушбу вазифалари ҳам ўз ўрнида юқорида биз ўрганган олимларнинг прокурорларнинг функциялари билан ҳам узвий боғлиқликда эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда суд мажлисида иштирок этувчи прокурорнинг функцияларини аниқ акс эттириш ўринли деб ҳисоблаймиз. Айбловни қўллаб-қувватлаш, қонунийликни тиклаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ўрганиш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий таълим суд мажлисининг ҳар қандай босқичида иштирок этаётган прокурорнинг асосий функцияларидан бўлиши лозим.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙҲАТИ:

¹⁶ М.Раджапова., “Суд процессида прокурор иштирокининг хусусиятлари” мақола., “Одил судлов” №10., 2021 йил.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Респудликаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни.
3. Caminschi I. Originea apelului ca cale ordinară de atac și unele aspect privind instituția lui în procesul penal. În: Analele științifice ale Academiei „Ștefan cel Mare” a Ministerului Afacerilor Interne al Republicii Moldova: Științe socio-umaniste, Ediția a VII-a. Topografia Academiei „Ștefan cel Mare” a MAI al RM. Chișinău, 2007, p. 65-68.
4. Iuga M. Căile legale de atac în procesul penal. Chișinău, Asociația judecătorilor din Moldova: Centrul de drept, 2000, 210 p.
5. Volonciu N. Tratat de procedură penală. Partea specială. Vol.II. Editura „Paidea”, București, 1994, p. 229-276.
6. Tulbure A., Tatu A., Tratat de drept procesual penal. Editura „All Beck”. București, 2001, p. 393-422.
7. Păvăleanu V., Drept procesual penal. Partea specială. Editura „Lumina Lex”. București, 2002, p. 271-341.
8. 2 Neagu I., Drept procesual penal. Curs selectiv pentru licență. Editura „All Beck”. București, 2003, p. 140-157; Neagu I., Damaschin M. Tratat de procedură penală. Partea specială. În lumina noului Cod de procedură penală. Vol.2. București, Editura „Universul Juridic”, 2015, p. 277-324. 123 Pinteș A., Drept procesual penal. Partea generală și part
9. Гуценко К., Уголовный процесс. Учебник. Издание 5-е, переработанное и дополненное. Издательство „Зерцало-М”. Москва, 2004, p. 541-556.
10. Смирнов А., Калиновский К. Уголовный процесс. 2-е издание. Издательский дом „Питер”. Санкт Петербург, 2005, p. 594-601.
11. Божьев В., Демидов В. Уголовный процесс. Учебник. 4-е издание, переработанное и дополненное. Издательство „Спарк”. Москва, 2004, p. 483-488.
12. Радченко В. Уголовный процесс. Учебник для вузов. Издание 2, переработанное и дополненное. Юридический дом „Юстицинформ”. Москва, 2006, p. 553-564.